

Севимли газетамиз “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” сахифаларида(2008 йил, 3 октябр ва 28 ноябр, 2009 йил 10 апрел ва 26 июн) адабиётшунослар — Наим Каримов ва Баходир Каримнинг Чўлпоннинг айрим шеърлари юзасидан ўзаро фикр алмашилари буюк адаб фаолияти юзасидан муайян муроҳазалар уйготгани билан хам ахамиятли бўлди. Шундай бўлиши табиий эди. Зотан, Чўлпондек атокли сиймо хар куни дунёга келавермайди ва бундай буюк шахс хар кандай миллатнинг хам пешонасига битавермайди. Шу боис, ўз даврида ўзбек миллатининг эрки, озодлиги учун кураш рамзига айланган бу буюк инсонга алокаси бор хар кандай ходиса, хар бир ашё биз учун кадрли ва ахамиятли бўлиши шубҳасиздир.

Энг аввало, “ЎзАС”даги олимларнинг фикрлари бир канча саволларга жавоб беришни такозо этганини таъкидлаш зарур. Чунончи, Чўлпон шеърлари бадиий маҳорат нуктаи назаридан бир хил эмаслигининг боиси нимада? Атокли шоир шеърларининг кўпларини муhibлари ёдлаб олишгани бор гап, бу борада мемуар адабиётимизда далиллар етарли даражада мавжуд. Босилмаган, аммо хотиралар оркали бизгача етиб келган айрим шеърларни бугун, шоир вафотидан сўнг етмиш йилдан зиёдрок вакт ўтгандан кейин, “уники” дея олиш учун асосий мезон, ишончли далил нима бўла олиши мумкин? Умуман олганда, Чўлпоннинг айрим шеърлари хакида хали-хамон турли-туман тахмин, фаразлар мавжудлигининг сабаби не? Бизнингча, чўлпоншунослик мана шу саволларга хам жавоб изласа, у янада тиниклаша борган бўлади. Камина хам Чўлпон ижоди билан бир оз бўлса-да, шугулланиб келаётганим учун ушбу саволларга баҳоли кудрат жавоб беришга уриниб кўрсам...

Чўлпон шеърлари бадиий маҳорат нуктаи назаридан бир хил эмаслигининг боиси, бизнингча, ижодий фаолиятининг кўп кирралилиги билан боғлик. Унинг мумтоз шеърлар намунасига айланиб улгурган асарлари, образли килиб айтганда, илҳом парисининг канотида учган шоир Чўлпон томонидан ёзилган. Булар: “Гўзал”, “Сирлардан”, «Бинафша», «Пўртана», “Каландар ишқи” каби шеърлар. Бошкалари эса, турли газеталарга мухбирлик фаолияти давомида ёзган катта-кичик хабар ва корреспонденцияларига, жиддий ва хажвий маколаларига, халкаро мавзудаги шархларига “кўшимча” тарзда битилган назмий иловалардир. Аникроги, публицистик руҳдаги шеърлардир. Бундай асарлар “публицист-шоир Каландар” ижодининг маҳсули. (“Каландар” Чўлпоннинг аксари публицистик руҳдаги) асарларига кўядиган имзоси). Бу хил шеърларининг кўпларини шоир хаётлиги пайтида нашр эттирган тўпламларига киритмаган. “Хадрада улок”, “Икки бош, бир тана”, “Лузон”, “Эътироф”, “Чопон ва паранжи” кабилар шундайлар сирасига киради. Бу ходисани кандай баҳолаш керак? Бизнингча, ижобий. Негаки, барча буюк ижодкорлар содир бўлган сиёсий-ижтимоий воеаларга ўз даврининг, муайян халк ёки миллатнинг фарзанди сифатида муносабат билдирганлар. Бундай муносабат уларнинг фаол гражданлик нуктаи назарининг ифодаси хисобланган. Шуниси хам борки, Чўлпон шеъриятига хос бундай хол ўз давридаёк турли талкинларга сабаб бўлган. Биргина мисол. Чўлпонни шўро мафкураси нуктаи назаридан илк танқидни, аникроги, “ур-йикит” сиёсатини Айн(Олим Шарафиддинов: 1903 —1943) “Кизил Ўзбекистон” газетасининг 1927 йил 14 февралдаги сонида чоп килинган “Ўзбек шоирлари: Чўлпон” маколаси билан бошлаб берганди. (Изоҳ: 1922 йили “Ўзбек ёш шоирлари” номли 104 сахифали шеърлар тўплами нашр этилган

бўлиб, ундан Фитрат, Чўлпон, Боту ва Элбек шеърлари жой олганди. Мунаккидлар ўз даврида мазкур тўплам, унга киритилган шеърлар хакида такризлар, маколалар эълон килишган. Ана шу жараёнда “ўзбек ёш шоирлари”/ёки “ўзбек шоирлари”/ ибораси аксари холларда сарлавхага олиб чикилган. Айн маколаси сарлавхасининг биринчи кисмida шу анъана кўринади.) Айн маколасида Чўлпон шеърлари мафкура жихатидан шўроларники — пролетариатники эмас, унда бадбин зиёлилар мафкураси акс этган, демак, у ўшаларнинг шоири деган фикрни илгари суриб, шоирни кескин танкид килганди. (Шўролар даврида муайян адабни пролетариат ижодкори эмас, асарларида бадбин зиёлиларнинг, бошкacha айтганда, янги тузумга душман табаканинг мафкураси акс этган, дейиш охири бахайр тугамайдиган хукм чиқариш билан баробар эди.) Айн маколасида ифодаланган бу кадар шафкатсиз ёндашувга ўша пайтда ёш шоир бўлган Ойбек эътиroz билдириб, “Чўлпон. Шоирни кандай текшириш керак?” деган методологик характердаги макола билан чикади(“Кизил Ўзбекистон”, 1927 йил, 17 май). Шундан сўнг баҳс бошланиб, Айннинг Чўлпонга нисбатан нуктаи назарини кувватлаб, Ойбек фикрларига карши Усмонхон Эшонхўжаев(1898 — 1938) “Кизил Ўзбекистон” газетасининг 1927 йил 22, 23 ва 27 июн сонларида “Мунаккиднинг мунаккиди” сарлавхали маколасини эълон килган. У Чўлпон шеърларида “шўроларга душман табака мафкураси акс этганлигини” кувватлабгина колмай, унда чинакам шоирлик истеъоди хам йўк, деган хукмни айтишгача борган. У ўз фикрини исботлаш учун Чўлпоннинг “Мен шоирми?” деган шеъридан “ўзига керакли мисраларни” далил сифатида келтиради. Айни пайтда, у шоир Чўлпонда “собиткадамлик йўклиги»ни, яъни бадиий маҳоратига кўра бир хил шеърлар ёзмаслигини хам кўрсатмокчи бўлган. “Чўлпонда, — деб ёзади у, — собит йўклигини унинг “Икки бош, бир тана” шеъри яхшиrok кўрсатади. Мисол учун, мана бу сўзлар Чўлпонники деса ким ишонади?

Максад — олтун,
Олтун — конун.
Хакикат — ўт,
Хукук — тўп, пулемёт!”

Бу шеър ўз даврида халкаро ахвол вазияти таъсирида ёзилган публицистик руҳдаги, яъни фашизм ва пацифизмнинг (Европада умумий яраш тарафдорлиги шиорини илгари сурган маслакнинг) бир танадан ўсиб чиккан иккита бош эканлиги хакидаги асар. Шу боис, уни Чўлпоннинг юксак бадииятли шеърлари билан тенг кўйиб бўлмайди. Чўлпон табиатан бадиҳагўй шоир бўлгани учун ўрни келганда хар кандай воеа-ходисани шеърга солиб ифодалаган. Истеъододли санъаткорларга митти шеърлар багишлиб, хадя этган. Бунга XX асрнинг 20 — 30-йилларида шўроларнинг мохир фельетончиси хисобланган Комил Алиев(1905 — 1939) ёзганларидан бир мисол келтириш мумкин. У шўроларнинг мафкуравий мухолифи бўлган Чўлпонни “фош” этиш максадида ёзган “Аклли жинни” сарлавхали фельетонида шоир айрим совет муассасалари раҳбарларининг хонаси (кабули)да бўлганида турли-туман когозларга аксилшўровий руҳдаги шеърий парчалар колдириб кетади, деган фикрининг исботи тарикасида куйидаги фактни келтиради: «У «Эпоха»(давр) попирус кутисига мана бу шеърни ёзиб:

Бундай эпохани чекиб тугатинг,
Куллари кўкларга соврилиб кетсин!

Энди бу бечора одам боласи
Оловсиз, тутунсиз кунларга етсин! —

дэйиши билан «камбагаллар даври — биз, бойлар, майда буржуазия лаганбардорлари, мафкурачиларини ёндириди. Бу даврнинг (мехнаткашлар даврининг) кули кўка соврилиб, ер билан яксон бўлсин», деб кичкиради», деган хuloscha чикаради(«Кизил Ўзбекистон» газетаси, 1927 йил, 12 октябр). Чўлпон шўролар хокимиятининг «пахта мустакиллиги» учун кураш сиёсати ўзбек дехкони бошига кандай машаккатлар келтираётганини ифодалаб, ўтган асрнинг 20-йиллари охирида «Пахтажан, пахта...» мисраси билан бошланадиган тўртлик ёзган. Бу тўртлик хам шоирнинг шу хилдаги кайфияти маҳсулидир. Шоир Чўлпоннинг кайфиятини эса, ўтган асрнинг 20-йилларида миллий истиклол курашида фаол катнашган шоир Олтой(Боис Кориев: 1903 — 1977)нинг шўро маҳсус идораси ходимларига 1930 йил 10 ноябрда берган терговида айтган гаплари муайян даражада ойдинлаштиради. «Айтиш керакки, — дейди Олтой, — мен 1924 йилдан бошлаб матбуотда Чўлпонга карши маколалар билан чикканман. Чўлпон билан учрашиб колганимизда, у менинг чикишларимга муносабат билдириб, «Менинг асарларимни халк севади, уни жуда яхши кутиб олади», дерди ва шеърларининг юксак бадиийлиги у илгари сурадиган гоялар билан чамбарчас боғликлигини айтиб, бизнинг инкилобий гояларимизга хайрихox эмаслигини, бу гояларни у бадиий шаклга солиш мумкину, бирок бундан хеч нарса чикмаслигини яхши биламан, «Сизларнинг асарларингизни хеч ким ўқимайди, шўро вокелигини юксак бадиий шаклга солиш мумкин эмас», деганди». Албатта, бу гапларни Олтой кандай холатда айтганини эътибордан сокит килиш мумкин эмас. Шундай бўлса-да, мазкур фактда муайян хакикат хам борлигини инкор этиб бўлмайди.

“Кора кийган кизил тўй” фельетонида эса, Комил Алиев Чўлпоннинг ўзи ёзган аксилшўровий шеърларини маслакдошлари орасида кандай тарғиб килгани хакида эҳтиросли фикр юритади. Фельетон Ўзбек давлат драмтеатри актёри, асли андижонлик Исҳоккори Каримовнинг 1928 йилнинг июн ойида бўлган тўйи муносабати билан йигилган аксилшўровий издиҳомга багишлиланган. (Исҳоккори Каримов миллий истиклол курашидаги иштироки учун 1929 йили шўро маҳсус хизмати ходимлари томонидан Мунавваркори, Салимхон Тиллахоновлар гурухи билан камокка олинган, Сталин киргингатагони курбони.) Тўй кунлари алоҳида даврадагиларга шоир Чўлпон шўро мафкурачилари нуктаи назарида “аксилшўровий, миллатчилик руҳидаги шеърлар” хисобланган парчаларини ўқиган. Буни фельетончи куйидагича тасвирлайди: “Халк тарқала бошлагон эдики, Чўлпон тўрдаги айвонга чикиб, парёстикни энгагига босиб, мозийсидаги кора тарихнинг кирлик сахифаларини бирин-кетин вараклаб чиқди. Атрофини куршаб олгон “ўнлар тўдаси”ни бир катор бошдан-оёқ кузатиб чикиб, ўзининг бу парчасини баланд овоз билан ўкий бошлади:

... Эй, совук эллардан
муз кийиб келганлар,
У кўпол товшингиз
кирларда йўқ бўлсин.
Эй, менинг багимдан
мевамни терганлар
У кора бошингиз

ерларга кўмилсин...”.

Мазкур шеърга таҳририят ёки муаллиф томониданлиги кўрсатилмаган холда куйидагича изоҳ берилган: “Чўлпоннинг бу “Хазон” сарлавҳасидаги парчasi русларга карши айтилган ва матбуотка чикмаган бўлиб, бу парча хозир хам Чўлпоннинг муҳиблари оғзида достон бўлиб юради” (“Кизил Ўзбекистон” газетаси, 1928 йил, 27 июл). Кизиги шундаки, мазкур изоҳдаги “матбуотка чикмаган” дейилгани тўгри эмас. Бу шеър мазкур тўйдан беш йил мукаддам “Фаргона” газетасининг 1923 йил, 16 ноябр сонида босилган. Бундан шундай хулоса хам чикарса бўлади: Чўлпоннинг ўз даврида талайгина шеърлари муҳибларининг оғзида юрган, шу боис, уларнинг кайси бири матбуотда эълон килингану, кайсилари эълон килинмаганини эслаш кийин бўлган.

Чўлпон андижонлик бўлгани холда, шароит такозоси билан Тошкент, Фаргона, Бухоро, Самарканد, Москва каби шаҳарларда яшаган. Баъзиларида танишларининг уйида, айримларида эса ижарада турган. Шоир Чўлпон хам кўпчилик ижодкорларда учрайдиган паришонхотирликдан холи бўлмаган. “Туркистон” газетасининг 1923 йил 12 апрел сонида унинг шундай эълони босилган: “Якинда менинг бир дафтарчам(тетрадь) йўколди. Когоз муковалик ул дафтарчага сўнг вактда ёзгон шеърларимни йигиб, кўчирган эдим. Агар янгилишмасам, у дафтарчада “Ўйнамок ва кулмак истар экан”, “Киш олдида”, “Кушнинг эсадалиги”, “Нома”, “Кора рўмолликка”, “Эчки уйнатувчи кизга” номлик шеърларим бор эди. Шуни кўрган-билган ўртоклар бўлса, ўзимга кайтармокларини сўрайман. Шунинг йўклиги иккинчи шеър мажмуамнинг чикмаслигига сабаб бўлуб турадир”.

Бизнингча, буларни хотира асосида тиклаш мумкин бўлмаган шекилли, мазкур шеърлар шоирнинг иккинчи тўплами “Тонг сирлари”га кирмаган. (Тўгри, тўпламдан “Киш олдида” деган шеъри жой олган. Бу шеър йўколган дафтардагими ёки бошкатдан ёзилганми, хозир аниклаш мушкул.) Хулоса шуки, Чўлпон турли шаҳарларда яшаган уйларда унинг айрим шеърлари фаромуш бўлиб колиб кетмаганмикан? Халқимиз Куръони Карим хати бўлган араб ёзувида битилган бир парча когозни хам азалдан ташлаб юбормаслика, эҳтиётлаб бир четга кўйишга харакат килган. Чўлпоннинг турли шаҳарларда кимнинг уйида ёки кандай бинода яшаганини аникласа бўлади. Якинда профессор. Н. Каримов “Икки халқ адиби” сарлавҳали маколасида (“ЎзАС”, 2009 йил, 9 октябр) самаркандлик зуллisonайн ижодкор Мирзо Кўконбой Абдухоликзода хакида ёзаркан, адиб яшаган уй ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида таъмирланётганда эски жомадон ичидан 200 дона дафтар топилганини, улар ёзувчининг турли йиллари ёзилган бадиий асарлари эканлигидан хабар берганди. Маълумки, Чўлпон хам 1927 или мана шу хонадонда бирмунча вакт яшаган(унгача Мирзо Кўконбойнинг кўшниси бўлган Абдулаҳад Маъруфжоновнинг ташкарисида ижарада турган). Ким билади дейсиз, “Лаби ховуз” мавзеида бўлган бу ховлиларнинг кай бир бурчагидан шоирнинг хам хозиргача номаълум колаётган кайсидир асари “лоп” этиб чикиб колса ажабмас, умидли дунё!

Чўлпоннинг шеърлари хакида хали-хамон турли мулоҳазалар, фаразлар мавжудлигининг асосий сабаби шоир шўро мафкурачилари томонидан 1927 йилдан бошлаб муттасил тазиик остида бўлгани учун матбуотдан унинг асарлари учун ўрин берилмаган. Шу боис талайгина шеърлари халқ орасига оғзаки шаклда таркалган. Иккинчи сабаб, Чўлпоннинг баъзи насрый достонлари, драмалари, хусусан, мелодрамалари халқ оғзаки ижодидан баҳра олган холда ёзилган. Улардаги айрим парчаларни шоирники ёки халқники дейиш учун синчиклаб тадқик этиш зарур. Биргина мисол. “Туркистон” газетасининг 1922 йил 23-сонида Чўлпоннинг “Ўқтабир кизи”

карлавхали насрий достони эълон килинган. Достон эндиғина навниҳол сингари кад ростлаётган, ҳалк орасида “Ваннайча” деган ном олган ашулачи кизнинг ёвузларча ўлдирилиши муносабати билан ёзилган. Унда куйидаги тўртлик келтирилади:

Хаводаги бўз тўргай,
Бўзламасанг не бўлгай?
Ваннайчахон дардини
Сўзламасанг не бўлгай?

Бу тўртлик кимга мансуб: ҳалк ижодигами, муаллифгами? Зехн солиб каралмаса, тадқикотчи адашади. Мазкур тўртликнинг ҳалк томонидан тўкилгани шубҳасиз. Зеро, унда Култегин ёдномаларидаёқ учрайдиган ҳалкона йўклов(марсия) акс этиб турибди. Шоир уни ўз асарига мохирона “пайванд” килиб юборган. Негаки, Ваннайча ҳалк кизи эди, ҳалк унга аatab юракларни эзиб юборадиган йўклов хам битган демокчи. Демак, Чўлпоннинг бу хилдаги асарларини хам ниҳоятда диккат билан текширмок, тадқик этмок талаб килинади.

Энди асосий масала — матбуотда босилмаган, аммо шоирнинг муҳибларидан ёзиб олинган шеърларнинг кайси бири Чўлпонники, кайсиси уники эмаслигини кандай аниклаш мумкин, деган саволга жавоб бериш учун харакат килайлик. Очиги, буни катъий аниклаш осон иш эмас, лекин бажариш мумкин бўлган масала. Негаки, Чўлпоннинг шеърларига хос “ранг”, рух, услуб мавжуд. Асосий мезон ана шу унсурлар бўлиши мумкин, балки лозим. Кандайдир бир сўз Чўлпон охангини, тилини, услубини англатиб бериши турган гап. Факат мана шу нарсаларни хафсала билан топа олиш керак. Ўйлаймизки, чўлпоншуносляримиз бундай муаммони шараф билан хал кила олади. Шундагина чўлпоншуносликни янада тиниклаштириш учун интилган хам бўламиз.

Бойбўта Дўсткораев